

## Бангладешлик муҳаддис олим Маҳмуд Ҳасан ҳазратлари юртимизда



18:36 / 03.10.2023 1074

2023 йил 3 октябрь куни «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётига **Бангладеш** давлатидан замонамизнинг етук уламоси, муҳаддис олим **Маҳмуд Ҳасан** ҳазратлари ташриф буюрдилар. Бу зот бир вақтнинг ўзида пойтахтдаги жомеъ масжидлардан бирининг имом-хатиби ва Дакка шаҳридаги Ислом билимлари университети ректори ҳамда катта муфтий лавозимида фаолият юритиб келмоқдалар.

Даставвал меҳмонлар «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётининг бош дўконига ташриф буюриб, бу ердаги диний-маърифий, адабий бадиий асарлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, шайх **Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** раҳматуллоҳи алайҳнинг илмий мерослари ҳақида маълумотларга эга бўлдилар.



Сўнгра меҳмонлар **Islom.uz** порталининг иш фаолияти ва **Hilol Media** маркази, хусусан, тасвирга олиш майдончаси, овоз ёзиш студияси ҳамда бошқа жараёнларни кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг азиз меҳмонлар фазилатли шайх **Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф** томонидан асос солинган «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётининг босмахонасига қадам ранжида айлаб, бу ердаги китобларнинг чоп этилишига бевосита гувоҳ бўлиб, қалбларидаги илиқ

таассуротларини изҳор этдилар.



***Меҳмонлар мезбонларнинг самимий ва илиқ муносабатларидан миннатдор бўлиб, бундай эътибор учун барчага ташаккур билдирдилар.***